



# Халқ сўзи

2023 йил – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 12 декабрь, № 264 (8607)

Сешанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## «ЖАДИДЛАР: МИЛЛИЙ ЎЗЛИК, ИСТИҚЛОЛ ВА ДАВЛАТЧИЛИК ҒОЯЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли конференция иштирокчилари! Қадри мўҳимлар!  
Хонимлар ва жаноблар!  
Сиз, азизларни ўтган аср бошларида шаклланиб, нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун муслмон олами ва туркий дунё тарихида чуқур из қолдирган жадиличлик ҳаракатини ҳар томонлама ўрганишга бағишланган халқро анжуманининг очилиши билан чин қалбдан табриклаймиз.

рагида улар томонидан барпо этилган давлат тузилмаларининг қонунчилик базасини таҳлил қилиш, дунёвий, ҳуқуқий ва демократик жамият қуришга қаратилган фаолиятига тарихий баҳо бериш, Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанснинг бунёд этишда ушбу мероснинг мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши билан боғлиқ масалалар бугунги конференциянинг асосий муҳокама мавзулари этиб белгилангани алоҳида аҳамиятга эга.

ниш ҳамда тарғиб этишга алоҳида эътибор берилмоқда.  
Юртимизда ушбу йўналишда муҳим Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ҳар йили 31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини сифатида кенг нишонланмоқда.  
«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси ва жамоат фонди, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳудудий бўлимлари фаолият олиб бормоқда.

лиятини акс эттирадиган тўплам тайёрлаш режалаштирилган.  
Ушбу муҳим мавзуда архив ҳужжатларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш учун мақсадли грантлар эълон қилиш, янги бадиий ва публицистик асарлар яратиш, хорижий илм-фан марказлари, фондлар ва музейлар, кутубхоналар билан ҳамкорликни ривожлантириш чоралари кўриломоқда.

## Конференция ТАРАҚҚИЙПАРВАР АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИ

Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанснинг бунёд этишда мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилади



Пойтахтимизда «Жадиждар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари» мавзусида халқро илмий конференция ташкил этилди. Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ва Туркий давлатлар ташкилоти кўмағида ўтказилган анжуманда юртимиздан ташқари, нуфузли халқро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон, Туркия, Россия Федерацияси, Венгрия, АҚШ, Германия, Нидерландия, Швеция, Япония ва бошқа мамлакатлардан таниқли олимлар, экспертлар, тарихчилар, сиёсатчилар, адабиётшунослар, маданият ҳамда санъат арбоблари қатнашмоқда.

маслаҳатчиси — спичрайтер Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.  
Таъкидланганидек, муштарак тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини ташкил этадиган маърифатпарвар аجدодларимизнинг ибратли фаолиятини, уларнинг ўз қиммати ва аҳамиятини ҳамон йўқотмасдан келаётган бой меросини ҳамкор давлатлар ҳамда халқро ташкилотлар вакиллари, таниқли хорижий олимлар билан биргаликда теран тадқиқ ва тарғиб этиш бизнинг устувор вазифамиздир.  
Бинобарин, жадиждар курашининг асл ғояси ягона заминга эга Туркистонда озод ва обод жамият, фаровон ҳаёт қуриш эди. Бирок ўтган асрда мавжуд вазият, ижтимоий тузум бунга йўл бермади. Мустақкамчилар истиқлол деган, юртимизни ёруғ манзилларга олиб чиқишни ният қилган қўллаб-қувватлаш ўғлонларимизни бемисл зулму ситамларга гирифтор этди, тўғра тўғра, ўққа учирди, совуқ ўрмонзорларга сурғун қилди. Бундай қаҳрамонларнинг ақсарияти жадиждар эди. Уларнинг оиласи, ақинлари, дўстлари ҳам таъқибга олинди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти



## Мулоқот Ўзбекистон халқро майдонда ўзига жалб этувчан мамлакат сифатида намоён бўлмоқда

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия раиси Танзила Норбоева «Better Cotton Initiative» (BCI) халқро нотижорат ташкилоти дастурлари катта директори Дэмиен Санфилиппо билан учрашди.  
Мулоқот давомида мамлакатимизда пахта-тўқимачилик кластерларини янада ривожлантириш, фермер хўжалиқларида «Better Cotton» тамойилга асосланган тизим стандартларини жорий этиш борасида ҳамкорликни янада мустақкамлаш масалалари муҳокама қилинди.  
Шу билан бирга, фуқаролик жамиятининг фаол иштирокида халқро меҳнат стандартларини жорий этиш ва муносиб меҳнат тамойилларини тарғиб қилиш йўналишида амалга ошириладиган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.  
Маълумки, республика тўқимачилик саноатида халқро стандартларни жорий этиш учун миллий комиссия доирасида «BCI» стандартларининг интеграциялашув чора-тадбирларини ўз ичига олган алоҳида «Йўл харитаси» қабул қилинган ва унинг амалий ижроси таъминлаб келинмоқда.  
Учрашувда, шунингдек, миллий комиссия таркибидagi вазирлик ва идоралар, «BCI» ва бошқа халқро экспертлар иштирокида фаолият юритувчи кўп томонлама Маслаҳат кенгаши фаолиятини доирасида қилинадиган ишлар юзасидан фикр алмашилди.  
Қайд этилганидек, «Better Cotton» халқро ноҳукумат ташкилоти кўмағида Ўзбекистонда фаолият юритаётган Маслаҳат кенгаши миллий манфаатдор томонлар, жумладан, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, бизнес ва жамоатчилик вакиллари ўртасида мулоқотни ташкил этиш учун доимий платформа вазифасини бажаради.  
Дэмиен Санфилиппо Ўзбекистон халқро майдонда ўзига жалб этувчан мамлакат сифатида намоён бўлаётганини, нуфузли брендлар мамлакатдаги пахта-тўқимачилик кластерлари билан ҳамкорлик қилишга қизиқини юқори эканини, кўп томонлама мулоқот ўрнатилишида Ўзбекистон бошқа давлатларга яхши намуна бўла олинганини алоҳида қайд этди.  
Учрашувда яқинда халқро меҳнат стандартларини жорий этиш борасида янги қўша лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш орқали ҳамкорликни янада мустақкамлашга келишиб олинди.

«Халқ сўзи»

## Қонунчилик палатаси фракцияларида ИЖРО САМАРАДОРЛИГИ ВА ТАЪСИРЧАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ — КУН ТАРТИБИДА

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Давлат бюджетини янада мустақкамлаш мақсадидаги жамғармалари бюджетларининг 2023 йил 9 ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор, тадбиркорлик фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳоли ижтимоий ҳимоясини қўлайлаштириш ҳамда ислохотларни янги босқичга кўтаришга доир муҳим қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди.



технологиялар вазирлиги масъули ушбу савол юзасидан атрофича тушунтириш бериб ўтди.  
Депутат Баҳром Раҳмонлиев эса берилган маълумотларда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) ва давлат олий таълим ташкилотларининг буюртмалари асосида талабалар тураржойини барпо этиш бўйича лойиҳалар учун 201 889,3 сўм субсидиялар ажратилган бўлиб, 89,8 фоизга ўзлаштирилгани, лекин ҳисоботда маълумотлар очқиланмагани, яъни қайси ҳудудда, қайси олий таълим муассасаси ДХШ асосида қурилгани бўйича аниқ рақамлар келтирилмаганини қайд этди.  
Мутасаддилар ушбу савол юзасидан аниқ мисоллар асосида тушунтириш берди.  
Қизгин баҳс-мунозаралар, узок давом этган савол-жавоблардан сўнг Давлат бюджетини янада мустақкамлаш мақсадидаги жамғармалари бюджетларининг 2023 йил 9 ойлик ижроси ақунлари тўғрисидаги ҳисобот маъқулланди.



### Мунозарали саволлар, асосли тақлифлар билдирилди

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида Давлат бюджетининг ва давлат мақсадидаги жамғармалари бюджетларининг 2023 йил тўққиз ойидagi ижроси кўриб чиқилди.  
Муҳокамалар давомида фракция аъзолари эришилган ижтимоий натижалар билан бирга, Давлат бюджетини янада мустақкамлаш мақсадидаги жамғармалари бюджетларининг 2023 йил 9 ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор, тадбиркорлик фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳоли ижтимоий ҳимоясини қўлайлаштириш ҳамда ислохотларни янги босқичга кўтаришга доир муҳим қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди.

саволлар билдирилди.  
Фракция аъзоси Шўҳрат Шарофутдинов ёшларнинг IT соҳасида салоҳиятини ошириш, шунингдек, IT билимларга қизиқтириш мақсадида халқро IT-сертификатларни олиш учун 50 фоизгача харажатларни Давлат бюджетини маблағлари ҳисобидан қоплаш тизими жорий этилгани, ҳисобот даврида халқро IT-сертификатларга эга ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш дастурига Давлат бюджетидан белгиланган маблағлар негати тўлиқ ўзлаштирилмай қолган, деган саволни ўртага ташлади. Рақамли батафсил тушунтиришлар бериб ўтди.  
Фракция аъзоси Шўҳрат Шарофутдинов ёшларнинг IT соҳасида салоҳиятини ошириш, шунингдек, IT билимларга қизиқтириш мақсадида халқро IT-сертификатларни олиш учун 50 фоизгача харажатларни Давлат бюджетини маблағлари ҳисобидан қоплаш тизими жорий этилгани, ҳисобот даврида халқро IT-сертификатларга эга ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш дастурига Давлат бюджетидан белгиланган маблағлар негати тўлиқ ўзлаштирилмай қолган, деган саволни ўртага ташлади. Рақамли батафсил тушунтиришлар бериб ўтди.

Фракция аъзоси Шўҳрат Шарофутдинов ёшларнинг IT соҳасида салоҳиятини ошириш, шунингдек, IT билимларга қизиқтириш мақсадида халқро IT-сертификатларни олиш учун 50 фоизгача харажатларни Давлат бюджетини маблағлари ҳисобидан қоплаш тизими жорий этилгани, ҳисобот даврида халқро IT-сертификатларга эга ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш дастурига Давлат бюджетидан белгиланган маблағлар негати тўлиқ ўзлаштирилмай қолган, деган саволни ўртага ташлади. Рақамли батафсил тушунтиришлар бериб ўтди.

## ТДТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР БОЖХОНА ИДОРАЛАРИ ҲАМДА ТАЪСИРЧАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ — КУН ТАРТИБИДА

Кеча Тошкент шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТГ)га аъзо мамлакатлар божхона хизматлари раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди.  
Мазкур тадбирда ташкилотга аъзо Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон ҳамда кузатувчи давлат — Венгрия божхона хизмати раҳбарлари, Туркий давлатлар ташкилоти котибияти қатнашди. Шунингдек, Грузия божхона хизмати раҳбари йиғилишнинг фахрий меҳмони бўлди. Иштирокчилар дастлаб Божхона қўмитасининг Божхона расмийлаштирув маркази ва Марказий божхона лабораториясида бўлишди.

Ушбу мажмуада Маълумотларни қайта ишлаш маркази, Марказлаштирилган масофавий электрон декларациялаш постини, Call-марказ, Таргетлаш ва хавфларни мониторинг қилиш бошқармаси фаолияти йўлга қўйилган. Бугунги кунда Марказлаштирилган масофавий электрон декларациялаш постига божхона хизматлари томонидан тадбиркорлар билан бевосита мулоқоти чекланган ҳолда товарлар масофавий расмийлаштирилди. Товарлар расмийлаштирувда ягона ёндашувга эришиш орқали тадбиркорлар харажатини янада қисқартиришга эришилмоқда.  
Қўмитада ташкил этилган муқобил йўқ яна бир марказ — Таргетлаш ва хавфларни мониторинг қилиш бошқармасидаги ахборот тизимларининг интеграция қилинган ташкилот доирасида «Янги иқтисодий имкониятлар ҳудуди» ни барпо этишга муносиб хисса қўшмоқда. Бу ерда Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон давлатларининг божхона хизматлари билан туну кун ўзаро тезкор маълумот алмашинуви йўлга қўйилган.  
Маълумотларга кўра жорий йилнинг 11 ойида расмийлаштирилган жами 1 миллионга яқин декларацияларнинг барчаси Хавфларни бошқариш тизими орқали қайта ишланиб, хавф аниқланган 60 мингга яқин декларациялар бўйича бюджетга 80 млн. долллардан ортқ эквивалентдаги қўшимча тўловлар ундирилган. 83 фоиз декларация соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилган, экспорт декларацияларининг 81 фоизи эса инсон омилсиз амалга оширилган.  
Ўзбекистон ҳамда Жаҳон божхона ташкилоти ўртасидаги фаол ҳамкор-

ликнинг янги намунаси бўлган Марказий божхона лабораторияси ҳам меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Жаҳон божхона ташкилотининг Минтақавий божхона лабораторияси мақомини олган бундай лабораториялар дунё бўйлаб атиги 10 та давлатда бор, ҳолос.  
Бугунги кунда лаборатория текстиль маҳсулотлари, полимер ҳақда ундан тайёрланган маҳсулотлар, тамаки ва никотин моддаси сакловчи маҳсулотлар, генетик модификацияланган организмлар, озон қатламни бузувчи моддалар, металл ва металл қўшимчалари, алкоғоль маҳсулотлари, гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар ҳамда кучли таъсири дори воситалари экспертизасини амалга ошириш учун зарур қурилмалар билан хизмоланди. Бу ерда амалга оширилган экспертиза синов натижалари минтақа микёсида тан олинади.







# ДЕҲҚОН МЕҲНАТИ ҚАДР ТОПМОҚДА

Тўғри, фермер сифатида иш бошлаган пайтларда бироз қийинчиликларга дуч келдик. Сабаби ер майдонимиз чекка, чўл худудда бўлгани боис сув муаммо, техникаларимиз кам, иқтисодий имкониятларимиз анча чекланган эди. Лекин бугунги кунга келиб, фермер хўжалигимизнинг моддий-техника базиси ва иқтисодий имкониятларини тўлиқ мустақамлаб олдик. Энди экинларни вақтида экиш, агротехник тадбирларни вақтида бажариш ўз қўлимизда. Далани катта насослар ёрдамида тўлиқ ер ости суви билан сугоряпмиз. Натижада ҳосилдорлигини тубдан оширишга эришдик. Жорий йилда пахтадан 40 центнер, галладан 70 центнердан ҳосил олдик ва худуддаги кластер корхонасига шартнома бўйича етказиб бердик, ортиқча ҳосилни бозор таъминлаш асосида сотдик.



йўналтиришга одатланганман. Мисол учун, шу вақтга қадар туман марказида аёллар гўзаллик салонлари, компьютер хизматлари кўрсатиш шохобчаси, тивувчилик цехини ишга туширдик. Навбатдаги мақсадики — йирик сизимли совитчиқ куриш. Босиб сўнгги йилларда дала четлари, галладан бўшаган майдонлардан фойдаланиб, кўп миқдорда полив ва сабазвот маҳсулотлари етиштиришни ҳам ўзлаштирдик. Эндиликда сабзавотларни киш-бахор фаслида ҳам яхши сақлаб, пешма-пеш бозорга чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

**Ноҳира ҚҮРБОНОВА,**  
Касби туманидаги «Яратов Илҳом Алхамович» фермер хўжалиги раҳбари.

# ЭЪТИРОФ ОЛГА ЧОРЛАЙДИ

Аграр соҳада меҳнат қилиб келаётган юрдошларимиз қатори Президентимизнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган байрам табригини тингларканман, сўнгги йилларда ҳаётимизда рўй берган кўп қўлларга ҳаёлимдан кечди.



Табриқда қайд этилганидек, кейинги икки йилда мамлакатимизда 200 миң гектар пахта ва галла майдонлари қисқартирилиб, 670 миң нафар юрдошларимизга танлов асосида берилди. Натижада 2 миллиондан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилди. Уларнинг орасида минглаб фарғоналик йигит-қизлар ҳам борлиги бизни беҳад мамнун этди.

Бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йили Фарғона вилоятида асалариликка ихтисослаштирилган замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди. Бу фаолиятимиз жадвал ривожланишида фоят қўл келди. Ҳозирда Бағдод туманида асал етиштиришдан тортиб, дунёга машҳур асалари зотларини маҳаллийлаштириш, керакли жиҳозларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ҳам бўлган барча жараённи қамраб олган оилавий корхонамиз самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу борада Германия, МДҲ мамлакатлари асалариликчилари билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Биргина жорий йилнинг ўзида Россия, Қозғистон, Қирғизистон каби кўп қўл давлатларга 47 миңга асалари пакет экспорт қилдик. Шу билан бирга, марказий Фарғона худудидан ташқари, Тошкент вилоятининг тоғли, Сирдарё вилоятининг чўл худудларида асалари қоқиб, 35 тонна экологик тоза ва дармондорига бой маҳсулот етиштирдик.

Оиламиз аъзолари меҳнат қилаётган корхонамизда қўшимча 12 та доимий иш ўрни яратилган. Фаолиятимизни янада кенгайтириш учун жаҳон бозорида катта нуфузга эга АҚШ, Испания сингари мамлакатлар асалариликчиларининг тажрибасини ўргандик. Шунингдек, Фарғона давлат университети профессор-ўқитувчилари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боряпмиз.

Ўз навбатида, вилоятда, пойтахтимизда ва хориз давлатларида ҳар йили

Ўтказиладиган аънавий асал байрами ва фестивалларда фаол иштирок этиб келмоқдамиз. Хусусан, Тошкентда Қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни муносабати билан бўлиб ўтган асал байрамидда қатнашдик. Кувонарлиси, ушбу тадбирда Италиядан келган асалариликка ихтисослаштирилган компания раҳбари билан ҳамкорлик бўйича келишувга эришдик.

**Абдувоҳид УБАЙДУЛЛАЕВ,**  
Бағдод туманидаги «Бағдод замин асали» оилавий корхонаси раҳбари,  
«Шухрат» медали соҳиби.



# «ЎЗМИЛЛИЙБАНК» АЖ: САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

## банкка ҳам, миждозга ҳам бирдек қулай

Тадбиркорлик иқтисодиётимизнинг таянч кўчларидан бирига айланишида сўнгги йилларда соҳа вакилларига яратилаётган қулай шароит ва кенг имкониятлар муҳим ўрин тутмоқда. Бу эса худудларда ноанъанавий, ички ва ташқи бозорда бирдек рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги-янги иш ўринлари яратишдек ижтимоий-иқтисодий самараларни тўхта этаётди. Айниқса, хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилиш, солиқ, боғжона, молиявий хўжалик юретиш фаолиятини текшириш борасидаги енгиллик, мулкни рўйхатдан ўтказиш, ер участкалари ажратиш ва қурилишларга руҳсат бериш амалиётининг соддалаштирилганлиги инвестиция соҳасидаги ишлар қўламини янада яхшилаш имконини бермоқда.

### Молия муассасаларида

Бундай қулайлик, имтиёз, енгиллик ва имкониятлар баробарида тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг истиқболли лойиҳаларига кредитлар ажратиш соҳа раванқига алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада «Ўзмиллийбанк» АЖ тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланиб, бугунги кунда Навоий вилоятида ҳам миждозларга сифатли банк хизматларини тақдим этмоқда.

Банк ва унинг тизимидаги муассасалар томонидан ажратилган кредитлар самараси ўлароқ вилоятнинг турли худудларида интенсив боғлар, йирик сизимли замонавий музлаткичлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхоналар, қурилиш материаллари қувватлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Сўнгги икки йилнинг ўзида вилоятда бир қатор йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларининг молиялаштирилиши минглаб аҳолининг ижтимоий бандлигини таъминлашда муҳим оммал бўлди.

Банк матбуот хизмати ташаббуси билан ташкил этилган пресс-турда ОАВ вакиллари худудда банк тақдим қилган имкониятларни ишга солиб, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўз бизнес фаолиятини замона талаблари асосида кенгайтираётган тадбиркорлик субъектларига таширф буюрдик.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, 2022 йили вилоятда аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми 7,2 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йил якуни билан бу кўрсаткич 9,7 млн.га етказилди. Хусусан, вилоятда сервис тармоғида 13 миңдан зиёд корхона ва ташкилотлар мавжуд бўлиб, шундан 11,9 миңга яқинини кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил этади. Худудда йил якунига қадар яна 200 дан зиёд хизмат кўрсатиш шохобчаларига эҳтиёж мавжуд.

Таъкидлаш керак, 2023 йилнинг ўтган даврида вилоятда 1 миң 898 та янги хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилишига, тижорат банклари томонидан 1 миң 805 та лойиҳа учун 894 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилишига, 37,1 миңга янги иш ўрни ташкил этилиб, хизматлар соҳасида 111,7 фойз ўсишга эришилди.

Бунинг натижасида жорий йил якуни билан вилоятда 11,2 трлн. сўмлик хизмат кўрсатиш ҳажмига эришилди, 2,1 миңга янги хизмат кўрсатиш объектини ишга тушириш, 1 000 та кўчма савдонини ташкил этиш ва 1 миң 67 та хизмат кўрсатиш объекти учун ерларни аукцион савдоларига чиқариш, 38,1 миңга янги иш ўрни очиб режалаштирилган ва бунинг самараси сифатида вилоятда хизматлар соҳасида 114,5 фойз ўсиш суръатига эришилди прогноз қилинган.

Бунинг натижасида жорий йил якуни билан вилоятда 11,2 трлн. сўмлик хизмат кўрсатиш ҳажмига эришилди, 2,1 миңга янги хизмат кўрсатиш объектини ишга тушириш, 1 000 та кўчма савдонини ташкил этиш ва 1 миң 67 та хизмат кўрсатиш объекти учун ерларни аукцион савдоларига чиқариш, 38,1 миңга янги иш ўрни очиб режалаштирилган ва бунинг самараси сифатида вилоятда хизматлар соҳасида 114,5 фойз ўсиш суръатига эришилди прогноз қилинган.

қарашли корхонадаги жараёнлар билан яқиндан танишиди. Айтиш жоиз, ушбу лойиҳа орқали журналистлар қадим Карманнинг қоқ марказида ота-бобоси касбини давом эттираётган сулола томонидан ажойиб лойиҳа амалга оширилганига гувоҳ бўлдилар.

Беш қаватли муҳташам бинони ўз ичига олган лойиҳанинг умумий қиймати 1 млрд. 600 млн. сўмни ташкил этади. Шунинг 850 млн. сўми банк кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган. Бугунги кунда тадбиркор томонидан 8 нафар фуқаро иш билан таъминланган. Корхона бир кунда 2 тоннадан ортиқ гўшт маҳсулотларини тайёрлаш қувватига эга.

— Аҳолига 30 турдаги гўшт маҳсулотлари етказиб берамиз, — дейди МЧЖ раҳбари Суҳроб Пўлатов. — Айниқса, парhezбоб балиқ, қуён, ўрдақ, бедана ва бошқа парранда гўшти харидоригр бўлиб, уларни етиштиришни йўлга қўйиш мақсадида ўз ишлаб чиқаришимизни ташкил этишни режалаштиривамиз. Карманандан чиқишингиз билан



«Ўзмиллийбанк» АЖнинг молиявий кўмаги билан оёққа қўйивамиз, — дейди корхонанинг иш юритувчиси Бобур Нарзиёв. — Утган йили йўналишимизни кенгайтириш ниятида умумий қиймати 1 млрд. 200 млн. сўм бўлган лойиҳани амалга оширдик. Банк томонидан ажратилган кредит суммаси 800 млн. сўмни ташкил этди. Ушбу лойиҳа ижроси боис 18 та иш ўрни яратишга эришдик.

Пресс-тур иштирокчилари ўтирган микроавтобус Навбахор туманининг «Қорувултепа» МФИда жойлашган «Karmana Karvon Trans» МЧЖга қарашли автомобилларга ёнилги қўйиш шохобчаси томон йўл олди. Шохобча ўтган йили тадбиркорнинг ўз ҳисобидан ва банкдан ажратилган 1 миллиард сўмлик кредит маблағлари эвазига ташкил этилиб, 9 нафар кишининг бандлиги таъминланган. Етиб келинган манзилда иш юритувчи Бобур Муродқосимов шохобча фаолияти билан журналистларни таништириш ҳамкорлик режалари ҳақида ҳам ўртоқлашди.

— Насиб этса, келгуси йил йўлчи ташиш хизматини ҳам йўлга қўймоқчимиз, — дейди у. — Шу мақсадда лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини тайёрлапмиз. Вилоятнинг Қизилтепа тумани Бухоро вилоятига туташ. Қўшни вилоятнинг Ғиждувон туманидан сокин Зарафшон дарёсигина ажратиш туради. Дарёнинг ўнг қирғоғи



қиймати 3 млрд. сўмни ташкил этади. Шундан банк томонидан ажратилган 1 млрд. сўм миқдоридagi кредит маблағи эвазига тиббий диагностика ва ўқув жараёнини самарали ташкил қилиш мақсадида зарур жиҳозлар сотиб олинган. Ҳозирда мазкур марказда кимё, биология, рус тили, инглиз тили ва ментал арифметика йўналишларида дарс машғулотлари ҳам олиб борилди.

Шунингдек, тиббий бўлимда стационар даволаниш ва ёш болаларни паразитларга қарши даволаш бўйича малакали мутахассислар фаолият юритади. Ассосийси, муассасанинг тажрибали мутахассислари энг замонавий тиббий ускуналар ва мураккаб лаборатория таҳлилларига таяниб муолажа олиб боради. Мазкур марказда тадбиркор томонидан 12 та иш ўрни яратилди.

Бугунги истеъмолчи ҳар қачонгиданда талабчан ва ноҳиктаъб. Буни гўшт ва гўшт маҳсулотлари сотишни йўлга қўйган наватдаги тадбиркор фаолиятида қўриб, гувоҳ бўлиш мумкин. Харидор, аввало, маҳсулотнинг «халол» ва «тоза» эканини тўғрисидаги ёрликка, сўнгра санитария-гиғиена талабларига тўлиқ амал қилган ҳолда сотилишига аҳамият қаратади. Табиийки, бу замона талабига ҳамқадамлик демок.

Пресс-тур иштирокчилари наватдаги манзилда «Suxrob Qassob Eshonqul Baraka» МЧЖга



«Ўзмиллийбанк» АЖ Навоий вилояти Амалиёт банк хизматлари маркази бугунги кунга келиб 66 нафар профессионал мутахассисга эга. Айни пайтда 138,6 миң нафар мижозга хизмат кўрсатади. Уларнинг 131,9 мингтаси жисмоний шахс мақомида бўлса, 6,7 мингтаси юридик шахс ҳисобланади. Жисмоний шахсларнинг жами депозит қўйилмалари 360,5 млрд. сўмни ташкил этиб, улара тўлов пластик картонкаларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида жойларда 10 та банккомат, 1102 та савдо терминали дислокация қилинган.

Шунингдек, «Ўзмиллийбанк» АЖ Навоий вилояти бош бошқармаси таркибида 5 та (Навоий амалиёт, Зарафшон, Учқудук, Қизилтепа ва Маликработ банк хизматлари марказлари), битта банк хизматлари офиси мавжуд. Мазкур банк хизматлари марказлари томонидан ажратилган кредитлар ҳисобидан Навоий вилоятида наинки хизмат кўрсатиш, балки вилоят учун ноанъанавий бўлган тадбиркорлик йўналишлари ҳам равнақ топмоқда. Бундан ташқари, аҳолига валюта амалиётларида қулайликлар яратиш мақсадида вилоят худудида банк хизматлари марказига тегишли 21 валюта айирбошлаш шохобчаси ва 24/7 режимда хизмат кўрсатувчи 3 та автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчаси (банккомат) хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бирида замонавий инновацион банк хизматлари кўрсатишига алоҳида аҳамият қаратилган.

Мижозларнинг 65 фоизи масофадан бошқариладиган банк хизматларидан фойдаланаётганлиги бунинг ёрқин далилидир. Яъни ҳисоб рақамларда банк айланмаларини амалга ошириш, онлайн кредит расмийлаштириш ёки кредит қарздорлигини қошлаш, халқаро ва миллий пластик картонкаларда ҳар қандай банк амалиётлари ҳамда тўловларини бажариш, омонат расмийлаштириш амалиётлари, хорийиж валюталарда конверсион амалиётлар, пул ўтказмалари каби банк хизматларидан масофадан фойдаланиш шулар жумласидан.

Мулоқот якунида пресс-тур иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

**Темур ЭШБОЕВ**  
(«Халқ сўзи»).

Хизматлар лицензияланган.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1241. 32 472 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:  
Девонхона 71-259-74-51; қоғозчилик 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-55.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзга берилши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» навириёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Наватчи муҳаррир — Н. Остонов.  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» навириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6